



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,  
тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88  
факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:  
samiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
<b>Mohira Asqarboy qizi Umurova</b> Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
<b>Ислом Исмоилович Эргашев</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
<b>Jahongir Aktamovich Haydarov</b> Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов</b> Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
<b>Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova</b> Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
<b>Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva</b> Samarqand shahri turizm infratuzilmagini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
<b>Shohista Bobobekovna Toyirova</b> Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
<b>Дилшод Мураткулович Абдураимов</b> Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
<b>Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков</b> Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
<b>Дониёр Журакулович Абдуразаков</b> Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
<b>Dilrabo Shirinboyevna Mardonova</b> Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
<b>Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов</b> Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
<b>Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода</b> “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
<b>Сирожиддин Шерали ўғли Халилов</b> Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов</b> Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov</b> Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

Shunga ko‘ra, mehnat unumdorligini oshirish – bu ham davlat darajasida, ham korxonalar darajasida belgilanadigan muhim maqsaddir. Ta’kidlash mumkinki, mehnat unumdorligini oshirmasdan samaradorlikni oshirish bu qoniqarsiz natijalarga erishishning ancha oson yo‘llarini topishning o‘zginasidir. Xizmat ko‘rsatish sohasida mehnat unumdorligini oshirish vazifasi nafaqat uning oshishi, balki ko‘p jihatdan rahbariyatning harakatlari natijasi bo‘lib hisoblanadigan baholash bilan ham bog‘liq bo‘ladigan o‘ziga xos murakkabliklarni namoyon qiladi.

Xizmat ko‘rsatish sohasiga innovatsion texnologiyalarni ko‘proq jalb qilish, investitsiyalar kiritish, xizmatlar sohasini diversifikatsiyalash va modernizatsiyalash va bu sohada faoliyat yuritayotgan kadrlar salohiyatini yuksaltirish oldimizga qo‘yilgan muhim vazifalardan bo‘lmog‘i lozim. Xizmatlar sohasini rivojlantirishda hudud va mintaqalarga alohida e‘tibor qaratish lozim. Bundan tashqari e‘tibordan chetda qolib ketayotgan xizmat turlarini aniqlash, xizmat ko‘rsatish va servis sohasida soliq imtiyozlarini yaratish ham mazkur soha samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Shunday qilib xizmat ko‘rsatish korxonalarida samaradorlikni oshirishga yo‘naltirilgan xizmat ko‘rsatish jarayonlarini intensivlashtirish alohida ahamiyatga ega. Bu jarayon xizmatlarni ishlab chiqarishda innovatsion boshqarish usullari va texnologiyalardan foydalanishni talab qiladi. Mazkur jarayon nafaqat xizmat ko‘rsatishning innovatsion omillaridan foydalanishni, balki ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini ham oshirib boradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Muhammedov M.M. Xizmat ko‘rsatish sohasi va turizmni rivojlantirishning nazariy asoslari. Monografiya, Samarqand, 2007.
2. Pardayev M.Q., Ochilov I.S. Xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘llari. T. Iqtisod-moliya. 2011.- 172b.
4. Abulqosimov X. va boshqalar. Erkin iqtisodiyot tamoyillari. – T.: Akademiya, 2005.-52 b.
5. Котлер. Ф. Основы маркетинга. Москва: Прогресс, 1993
6. Волгин А.П. Управление персоналом. Теория и практика. Москва. Проспект, 2011- 688с.

<p><b>М.Умурова</b></p> <p><b>Роль сферы услуг в экономике и перспективы ее развития</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье представлены предложения и принципы повышения эффективности предприятий сферы услуг, выбор правильной стратегии инновационного совершенствования предприятий сферы услуг в условиях развивающейся рыночной экономики, повышение их эффективности. Определены показатели эффективности сферы услуг и изучена их роль в экономике.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> виды услуг, эффективность, инновационное усовершенствование, предприятие, сервисная экономика, качество обслуживания, потребители.</p>	<p><b>М.Умурова</b></p> <p><b>The role of the service sector in the economy and prospects for its development</b></p> <p><b>Abstract:</b> This article presents proposals and principles for increasing the efficiency of service sector enterprises, choosing the right strategy for innovative improvement of service sector enterprises in a developing market economy, and increasing their efficiency. The efficiency indicators of the service sector are determined and their role in the economy is studied.</p> <p><b>Keywords:</b> types of services, efficiency, innovative improvement, enterprise, service economy, service quality, consumers.</p>
---	--

**Ислом Исмоилович Эргашев** – СамИСИ докторанти, PhD

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақола хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари инвестицион жозибадорлигининг баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини ва айрим жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган. Унда инвестиция, инвестицион жозибадорлик тушунчалари хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари нуқтаи назаридан қараб чиқилган. Инвестицион бошқарув қарорини амалга оширишнинг умумий жараёни тузилмаси тақлиф этилган. Хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг асосий ёндашувлари таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш корхонаси, инвестиция, инвестицион жозибадорлик, инвестицион бошқарув қарори.

**Кириш.** Иқтисодийнинг инновацион ривожланиши шароитида иқтисодий соҳа ва тармоқларига корхоналар томонидан инвестицияларни жалб қилиш уларнинг яшаб қолиши ва мавжуд бўлиши масаласидир. Инвестициялар бўлса – корхоналар ривожлана олади ва пировардида миллий даражада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконияти юзага келади. Акс ҳолда эса – ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ходимлар иш ўринлари қисқариши ва натижада ижтимоий тартибсизликлар ҳамда шу билан боғлиқ бошқа ҳодисалар юзага келиши мумкин. Таъкидлаш керакки, на иқтисодий соҳа ва тармоқларида фаолият юритувчи алоҳида корхоналарнинг инвестицион жозибаторлиги, на яқка тартибдаги инвесторларнинг инвестициялари бугунги кунда иқтисодийдаги инвестицияларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондира олмайди. Чунки, деярли барча корхоналар инвестицияларга муҳтож. Аҳамиятли савол шундаки, улардан қайси бири инвесторлар учун биринчи навбатда афзалроқ?

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Корхона ва ташкилотларнинг инвестицион жозибаторлигини баҳолаш ва ошириш муаммоси хорижлик иқтисодчи олимлар Бланк И.А., Гитман Л. Дж., Джонк М., Виленский А.А., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. ва бошқа олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. Мамлакатимиз олимларидан Вахабов А.В., Ғуломов С.С., Пўлатов М.Э., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ., Мустафакулов Ш.И. ва бошқа олимларнинг ишларида инвестиция, инвестиция лойиҳалари таҳлили ва инвестицион муҳит жозибаторлиги каби масалалар ёритилган<sup>2</sup>. Иқтисодий адабиётларда “инвестицион жозибаторлик” тушунчасини инвесторнинг у ёки бу инвестиция киритиш объектини танлашдаги хоҳиш-истаги, афзал кўриши билан тавсифланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Инвестицияларнинг муайян соҳа ёки тармоққа киритилиши инвестиция фаолияти орқали амалга оширилади, бу эса фойда олиш ёки бошқа фойдали самарага эришиш учун инвестиция киритиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ амалий ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш керакки, инвестициялар ҳаракати икки асосий босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичнинг мазмуни – “инвестиция ресурслари – маблағларни киритиш” – амалда инвестицион фаолиятдир. Иккинчи босқич – “мблағларни киритиш – инвестициялаш натижаси” инвестициялардан фойдаланиш натижасида қилинган харажатларни қоплаш ва даромад олишни ўз ичига олади. У ҳар қандай турдаги иқтисодий фаолиятнинг икки зарур таркибий қисми: харажатлар ва улардан келадиган даромадларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини тавсифлайди<sup>3</sup>.

Д.Тожибоевнинг фикрича, инвестиция деганда келажакдаги натижа учун: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади<sup>4</sup>. Унинг фикрича, иқтисодий ривожлантиришда инвестициялар етакчи рол ўйнайди, сабаби инвестиция орқали корхоналар капитал жамғарилишига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга эришилади.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бланк И.А. Управление инвестициями предприятия. - К.:Ника-Центр, Эльга, 2003. - 480 с.; Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. - М.: Дело, 1997. - 767 с.; Виленский А.А., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика. - 3-е изд., исп. и доп. - М.: Дело, 2004.

<sup>2</sup> Вахабов А.В., Хажикаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. 328 б.; Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. Т.: - ГФНТИ 2005. – 249 с.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодий, 2012. – 166 б.; Б.А.Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодий (дарслик).-Т: “Фан”, 2005. -Б. 241.; Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибаторлиги: назария, ме-дология ва амалиёт. Монография. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2017 й. – 328 б.

<sup>3</sup> Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие / Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой, - М.: КНОРУС, 2005. - 432 с.

<sup>4</sup> Д.Тожибоева. Иқтисодий назария (иккинчи китоб). –Т.: “Шарқ”, 2003 -Б.79.

<sup>5</sup> Ўша ерда

Б.А.Абдукаримов, А.Н.Жабриев, М.К.Пардаевларнинг фикрича, инвестиция – бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол – мулкга, интеллектуал мулкга, нематларга бўлган ҳуқуққа ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади<sup>1</sup>.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, МДХ давлатлари иқтисодий адабиётларида инвестиция ва инвестицион жозибаторлик категориясига энг кенг тарқалган таъриф А.И.Бланк томонидан келтирилган таърифдир. Унга кўра, корхонанинг инвестицион жозибаторлиги сифатида алоҳида корхоналарнинг – бўлажак инвестициялаш объектларининг ривожланиш истиқболлари, маҳсулот сотиш ҳажми ва ортиб бориши салоҳияти, активлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик кабилар нуктаи назаридан ажралмас хусусияти сифатида тушунишни таклиф қилади<sup>2</sup>.

Иқтисодий адабиётларда “инвестицион жозибаторлик” тушунчасини инвесторнинг у ёки бу инвестиция киритиш объектини танлашдаги хоҳиш-истаги, афзал кўриши билан тавсифланади. Россиялик олим В.И.Машкиннинг хулосасига кўра, инвесторлар танлови учун энг жозибатор омиллар сифатида корхона томонидан узоқ йиллик фаолияти давомида тўпланган кадрият ва қийматлар: ривожланган ва бой инфратузилма, инновацион салоҳият, интеллектуал салоҳият кабилар қаралади<sup>3</sup>.

Умумий маънода, объектнинг инвестицион жозибаторлигини баҳолаш инвестициялаш йўналиши билан боғлиқ объектив тавсифларга ва муайян бир инвесторга хос бўлган субъектив хусусиятларга асосланиши керак. Қоида тариқасида, объектив белгилар аниқ кўрсаткичлар шаклида, субъектив белгилар эса меъёр даражалари, мувофиқлик мезонлари ва шу кабилар шаклида аниқлаштирилади.

Инвестицияларни бошқариш ёндашуви доирасида инвестиция киритиш қарорини қабул қилиш учун инвесторда бундай қарорни қабул қилиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган етарли маълумотлар бўлиши керак.

Инвестиция киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш мезони деганда биз инвестиция қарорларини қабул қилиш ва инвестицион хоҳишларни шакллантириш омили бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маълумотларни тушунамиз.

Инвесторнинг инвестиция киритиш хоҳишини шакллантириш ва унинг инвестиция қарорларини қабул қилишини таъминловчи омил бўлиши учун инвестиция қарорини қабул қилишнинг ахборот асоси қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- аниқ йўналтирилганлик – қарор қабул қилиш учун фойдаланиладиган инвестиция объекти ҳақидаги маълумотлар муайян инвесторнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланишини билдиради;

- тўлиқлик – салоҳиятли инвесторга ҳар томонлама баҳо бериш учун турли миқдорий ва сифат кўрсаткичларини киритиш имкониятини билдиради;

- аниқлик – инвестор томонидан инвестиция қарорини қабул қилишда фойдаланиладиган маълумотлар умумий характерга эга бўлмаслиги, балки етарли даражада батафсил, алоҳида қисмларга бўлиб ёритилган бўлиши зарурлигини билдиради;

- қиёсийлик – маълум бир вақт бирлигида бир нечта инвестициялаш объектларини ёки муайян даврнинг турли нукталарида айнан бир объектни ўзини таққослай олиш қобилиятини англатади.

Бизнинг фикримизча, инвестор томонидан инвестиция киритиш объектини танлаш масаласида ёндашув шундай бўлиши керакки, бунда инвестиция киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилишни асословчи маълумотлар юқоридаги барча талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Инвестицион бошқарув қарорини амалга оширишнинг умумий жараёни қўйидаги 1-расмда акс эттирилган.

<sup>1</sup> Б.А.Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (дарслик).-Т: “Фан”, 2005. -Б. 241

<sup>2</sup> Бланк И.А.Инвестиционный менеджмент. - К.: МП «ИТЕМ ЛТД», 1995. С.37

<sup>3</sup> Машкин В.И. Сущность инвестиционного процесса. Материалы АКДИ // Экономика и жизнь. - 2005.- №12.



**1-расм. Инвестицион бошқарув қарорини амалга ошириш жараёни**

1-расмдан кўриш мумкинки, бошқарув қарорини қабул қилиш учун ахборот асоси сифатида мутахассисларнинг тавсиялари, компаниялар рейтинглари ва реклама маълумотлари қабул қилиниши мумкин ва улар мустақил баҳолашлар гуруҳида умумлаштирилган, шунингдек, корхонанинг сифат кўрсаткичлари ва инвестицион жозибadorлигини баҳолаш эса инвесторнинг ўз баҳолашлари гуруҳига киритилган. Таъкидлаш мумкинки, фақат инвестицион жозибadorлик кўрсаткичи юқорида қўйилган барча талабларга жавоб бера олади.

Инвестицион жозибadorлик деганда биз инвестициялаш объектнинг инвестор хоҳишларига мос келишини тушунамиз. Шу нуқтаи назардан, инвестицион жозибadorлик инвестор томонидан инвестицион хоҳишларни шакллантириш ва инвестиция қарорини қабул қилиш омили сифатида қабул қилиниши мумкинлигини аниқлатади.

Тадқиқотларимиз натижасида, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари инвестицион жозибadorлигини баҳолашнинг тўртта асосий ёндашувини ажратиш олдик. Улар:

1. Мослашувчанли. Мухим кўрсаткичларни инвестор учун қулайроқ ва тушунарлироқ шаклда акс эттириш.
2. Сифатли. Баҳоланаётган объектнинг инвестор учун энг маъқул бўлган намунали объектга мувофиқлигини баҳолаш.
3. Коэффициентли. Турли кўрсаткичларни таққослаш ва нисбатини аниқлаш асосида жозибadorликни баҳолаш.
4. Интегралли. Умумий алгоритм асосида жозибadorликни миқдорий баҳосини аниқлаш.

Ҳар бир ёндашув ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга ҳисобланади.

Афзалликлари:

1. Ҳисоб-китобларнинг соддалиги, тадқиқотчини натижага таъсири камлиги.
2. Субъектив омилларни баҳолаш имконияти мавжудлиги.
3. Ҳисоблаш усуллари аниқлиги ва кўрсаткичлар иқтисодий моҳиятининг тушунарлилиги.
4. Фойдаланиш қулайлиги, ҳисоб-китобларнинг расмийлиги.

Камчиликлари:

1. Таҳлилий функция бажарилмайди ва инвесторга тавсиялар берилмайди.
2. Баҳолаш мезонларини асослаш қийинлиги, якуний кўрсаткичлар қийматларини изоҳлашнинг мураккаблиги.
3. Коэффициентларнинг «оптималлиги» чегараларини аниқлаш. Коэффициентларнинг кўплиги. Миллий иқтисодиёт корхоналари ҳисоботларининг ва статистик ҳисобот шаклла-

рининг хусусиятлари.

4. Тор йўналишли моделлар. Миллий шароитларга мослашишнинг нисбатан қийинлиги.

Ёндашувлардаги фарқлар фақатгина баҳони олиш алгоритми ва фойдаланилган кўрсаткичларда эмас, балки олинанинг натижанинг шаклида ҳам намоён бўлади: бу балл, коэффициент, рейтингдаги ўрин, турдош гуруҳ ёки инвесторга аниқ тавсиялар кўринишида бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, аниқланган ҳар бир ёндашув доирасида аниқ бир натижага эришишга қаратилган бир эмас, балки бир нечта усуллар бўлиши мумкин.

Бизнинг таснифимиз доирасида битта ёндашувга киритилган услубиятлар якуний баҳони олишнинг бир хил (умумий) усуллари ва унинг шакли яхлитлигига асосланади. Мослашувчан ёндашув инвесторнинг эътиборини истиқболли инвестицияларнинг ўта назик ва асосий жиҳатларига қаратишга, сифатли ёндашув – асосий кўрсаткичларни муайян бир намунавий объект билан таққослашга, коэффициентли ёндашув – инвестиция объектининг хусусиятларини бир тармоқ доирасида умумэтироф этилган ва таққосланганидан кўрсаткичларда акс эттиришга, интеграл ёндашув эса баҳоланаётган корхонанинг ривожланиш истиқболларига тезкор баҳо беришга мўлжалланган.

Инвестициялаш йўналишларини баҳолаш бўйича юқорида келтирилган ёндашувлар кесиммасида жойлашган корхоналарнинг инвестицион жозибаторлигини баҳоланишнинг услубий ёндашуви қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Баҳоланишнинг аниқ йўналтирилганлиги.
2. Ўзаро ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболларини баҳолаш имконияти.
3. Хўжалик юритувчи субъектнинг аниқ эҳтиёжларини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа рискларини ҳисобга олиш; лойиҳани тўлиғича молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиш;
4. Инвестор инвестиция сиёсатининг ҳар хил турлари учун инвестиция объектларининг жозибаторлиги даражасидан келиб чиқиб турли гуруҳларини аниқлаш;
5. Ёндашувни амалий қўллаш натижалари инвесторнинг инвестиция қарори қабул қилишига тааллуқли аниқ тавсияларни ўз ичига олиши ҳамда иқтисодий маънога эга бўлиши зарур.

Кескин рақобат шароитида инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига жойлаштириш муаммосини ҳал қилишга қаратилган услубий ёндашув қуйидаги тамойилларга жавоб бериши керак:

- универсаллик, яъни таклиф этилаётган услубиятни ҳар қандай инвесторга нисбатан қўллаш имконини бериши;
- мажмуавийлик, яъни инвестициялаш бўйича бошқарув қарорини қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган турли омиллар таъсирини ҳар томонлама баҳоланиш англатиб, шу билан бирга капитал қўйилмалар киритилишидан кутилаётган натижанинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиши;
- натижаларни таққослаш, яъни нафақат инвестициялаш объектларини танлашда муқобил вариантларни мақсадга мувофиқлигини баҳоланиш, балки ушбу вариантларни муайян бир вақт оралиғида аниқ бир инвестор учун уларнинг жозибаторлиги даражасига кўра солиштириш имконини бериши керак.

Услубий ёндашувнинг моҳияти инвестициялаш объекти бўлган корхоналарни инвесторнинг инвестицион хоҳишларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан узвийликда кўриб чиқишдан иборат бўлиб, бунда объектларни инвестицион жозибаторликнинг муайян даражаси билан тавсифланганидан типологик гуруҳлардан қайси бирига тегишли бўлишига аниқлик киритилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Кучли рақобат шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантиришда инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион сиёсат ўз ичига инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва усулларини танлаш, уларни амалга ошириш муддатларини белгилаш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш каби ларни қамраб олади. Инвестицион муҳит деганда инвестиция жараёнлари содир бўладиган ва инвестиция рисклари шаклланидиган молиявий муҳит тушунилади.

Инвестицион фаолликнинг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг муҳим муаммоларидан бирини ҳал қилиш имконини юзага келтиради. Ўз навбатида, инвестицион фаолликнинг ўсиши соҳада фаолият самарадорлигига, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ва хизмат кўрсатиш корхоналари кувватларига таъсир қилади.

Ҳар қандай инвесторнинг инвестиция киритиш натижаларидан асосий кутишларидан бири бу фойда олишдир. Бироқ, инвестор ҳар доим максимал фойда олиш истаги ва ўз маблағларини рискдан ҳимоя қилиш зарурати ўртасида муросани топиши керак. Инвестицияларни жалб қилишнинг жадаллиги инвестиция муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш уларнинг самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ заруратни юзага келтиради. Инвестиция фаолиятини бошқаришда бундай ёндашувни қўллаш хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларни амалга оширишнинг самарадорлигини оширади.

<p><b>И.Эргашев</b></p> <p><b>Особенности оценки инвестиционной привлекательности предприятий сервиса</b></p> <p><b>Аннотация:</b> данная статья посвящена исследованию особенностей и некоторых аспектов оценки инвестиционной привлекательности предприятий сферы услуг. Инвестиция и инвестиционная привлекательность рассматриваются с точки зрения предприятий сферы услуг. Предложена структура общего процесса реализации инвестиционно-управленческого решения. Проведен анализ основных подходов к оценке инвестиционной привлекательности предприятий сферы услуг.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сервисное предприятие, инвестиции, инвестиционная привлекательность, инвестиционно-управленческое решение.</p>	<p><b>I. Ergashev</b></p> <p><b>Features of assessing the investment attractiveness of service enterprises</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article is devoted to the study of the features and some aspects of assessing the investment attractiveness of service sector enterprises. Investment and investment attractiveness are considered from the point of view of service sector enterprises. The structure of the general process of implementing an investment- management decision is proposed. An analysis of the main approaches to assessing the investment attractiveness of service sector enterprises has been carried out.</p> <p><b>Key words:</b> service enterprise, investments, investment attractiveness, investment and management decision.</p>
---	--

**Jahongir Aktamovich Haydarov** – SamISI, mustaqil tadqiqotchi

**TRANSPORT XIZMATLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

<p><b>Annotatsiya:</b> Ushbu maqolada zamonaviy iqtisodiy sharoitda transport xizmatlarining mohiyati va bozorining asosiy muammolari o‘rganilgan. Shuningdek, transport xizmatlari bozorini rivojlantirishning asosiy tendensiyalari aniqlangan.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> transport xizmatlari, raqamli transport xizmatlari, transport xizmatlari sifati, iqtisodiy mexanizm, innovatsiya, samaradorlik, infrastruktura.</p>
--

**Kirish.** Tashkil etilganidan beri biznes foyda olishga qaratilgan. Uni maksimal darajaga ko‘tarish yo‘llari juda farq qiladi: ya’ni ishlab chiqarish hajmini oshirishdan to yetkazib berish vaqtini qisqartirishgacha. Optimal tashuvchini tanlash orqali transport tizimining samaradorligini oshirish mavzusi dolzarb deb tanlandi, chunki transport xizmatlari biznesi rivojlanmoqda, transport xizmatlarini ko‘rsatadigan juda ko‘plab kompaniyalar bozorga kirib bormoqda; tashish jarayonining samaradorligini ta’minlaydigan, uning xavfsizligi va sifatini oshiradigan yangi texnologiyalar paydo bo‘lmoqda.

Transport bugungi iqtisodiyot va jamiyatda muhim rol o‘ynaydi va o‘sish va bandlikka katta ta’sir ko‘rsatadi. Transport sanoati bevosita 10 millionga yaqin kishini ish bilan ta’minlaydi va yalpi ichki mahsulotning (YaIM) qariyb 5 foizini tashkil qiladi. Samarali transport tizimlari Yevropa kompaniyalarining jahon iqtisodiyotida raqobatbardosh bo‘lish qobiliyati uchun asosdir. Transport xizmatlarining sifati odamlarning hayot sifatiga katta ta’sir ko‘rsatmoqda. Har bir oila budjetining o‘rtacha 13,2 foizi transport tovarlari va xizmatlariga sarflanadi. Transport xizmatlari, shuningdek, ko‘p jihatdan neft resurslariga bog‘liq va CO2 chiqindilarining muhim manbai

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023